

Инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик



13:05 / 17.12.2019 3891

Ота-онага яхшилик қилиш борасидаги ҳужжат ва далилларни жамлаб, таҳлил қилган уламоларимиз бу амал жумладан, қуйидагилар ила юзага келишини айтганлар:

1. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири - уларга берган неъматлари учун Аллоҳ таолога шукр қилишдир.

Аллоҳ таоло Аҳқоф сурасида марҳамат қилади:

أَشْكُرُ أَنْ أَوْزَعَنِي رَبِّي قَالَ سَنَةَ أَرْبَعِينَ وَبَلَغَ أَشُدَّهُ بَلَغَ إِذَا حَتَّىٰ شَهْرًا ثَلَاثُونَ وَفَضَّلَهُ، وَحَمَلَهُ، كَرِهًا وَوَضَعَتْهُ كَرِهًا أُمَّهُ، حَمَلَتْهُ إِحْسَانًا بِوَالِدَيْهِ الْإِنْسَانِ وَوَصَّيْنَا

﴿١٥﴾ الْمُسْلِمِينَ مِنْ وَإِنِّي إِلَيْكَ تُبْتُ إِنِّي دُرِّيَّتِي فِي لِي وَأَصْلِحْ تَرْضَاهُ صَالِحًا أَعْمَلُ وَأَنْ وَالِدِي وَعَلَىٰ أَنْعَمْتَ الَّتِي نِعْمَتَكَ

«Инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир. Қачонки у вояга етиб, қирқ ёшга етганида: «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўлган солиҳ амал қилишимга муваффақ этгин. Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин. Мен Сенга тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонларданман», деди» (15-оят).

Ҳар бир инсон учун унга Аллоҳ таоло берган неъматларга шукр қилиш энг муҳим ишдир. Бу ояти каримада **«Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўлган солиҳ амал қилишимга муваффақ этгин»** деган жумладан банда ўзига берилган неъматлар билан бирга, ота-онасига берилган неъматларга ҳам шукр қилиб туриши ота-онасига қиладиган яхшиликларидан бири эканлиги англанади.

2. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиш турларидан бири - уларнинг кўрсатган иноятларига шукр қилишдир.

Аллоҳ таоло Луқмон сурасида марҳамат қилади:

﴿۱۴﴾ الْمَصِيرُ إِلَىٰ وَلَوْلَدَيْكَ لِىَ اشْكُرَ اَن

«Менга ва ота-онангга шукр қилгин. Ва қайтиш фақат Менгадир» (14-оят).

Фарзанд ота-онасига уни дунёга келтирганлари, боқиб катта қилганлари, таълим ва тарбия берганлари ҳамда бошқа яхшиликлари учун ташаккурда бўлиши зарур.

3. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири ота-онани жеркимаслик ва уларга «Уфф» ҳам демасликдир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿۲۳﴾ كَرِيْمًا قَوْلًا لَّهُمَا وَقُلْ نَهْرُهُمَا وَلَا اُفٍّ لَّهُمَا تَقُلْ فَلَا

«...уларга «Уфф», дема, уларга озор берма ва уларга яши сўз айт!» (Исро сураси, 23-оят).

Фарзанд ота-онасига бирор оғиз ёқимсиз сўз айтмаслиги, ота-онасини юрагига озор етказмаслик учун уларнинг олдида ўзининг ғами борлигини билдирувчи «уфф» деган овозни ҳам чиқармаслиги лозим. Ота-онага

нисбатан қўпол ҳаракат қилиш, уларнинг юзларига тик қараш шариатимизда қораланган. Ота-онага доимо мулойимлик билан муносабатда бўлиш, ширин сўзларни айтиш фарзанд учун вожибдир.

4. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири - уларга тавозе кўрсатиб, меҳрибонлик қилишдир.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

الرَّحْمَةِ مِنَ الذُّلِّ جَنَاحَ لَهُمَا وَخَفَضُ

«Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат...» (24-оят)

5. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири - уларнинг олдига изн сўраб киришдир.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

قَالِهِمْ مِنَ الَّذِينَ اسْتَشَدْنَ كَمَا فَلَيْسَتْ تَزُونَوا الْحُمُ مِنْكُمْ الْأَطْفَالُ بَكَغَ وَإِنَا

«Қачон сизнинг ёш болаларингиз балоғатга етсалар, улардан олдингилар изн сўраганларидек, изн сўрасинлар» (59-оят).

Авваллари ота-оналарининг, катталарнинг ҳузурига изнсиз кириб-чиқиб юрган ёш болалар балоғатга етганларидан кейин, энди ўзларидан катталар каби уларнинг ҳузурига изн сўраб киришга одатланишлари керак.

Ривоятларда келишича, саҳобаи киромлардан бири ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг онам қариб қолган, мен унинг хизматини қилиб тураман, ҳар кирганимда рухсат сўрашим керакми?» деганида, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нима, бўлмаса, онангни кийимсиз ҳолда кўрмоқчимисан?» деганлар.

Айнан шу мулоҳаза туфайли, балоғатга етган болалар бир оила аъзолари бўлсалар ҳам, бир-бирларининг ҳузурларига киришдан олдин изн сўрашлари жорий қилинган.

6. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири - улар келганда ўрнидан туриб, кутиб олишдир.

أَيُّكَ لَعَنَ وَ لَوْ قَتَفْتُ هُتَاكَ رَبَّ وَ هَلْ لِي أَمْرٌ أَيْدِيكَ لَعَنَ مُسَالِمًا لَأَقْفُ أَهْبَابِ
لَوْ قَتَفْتُ، أَرِي عَصِي نَتِي بَرَامَكَ هَلْ لِي كَمَحْرٍ لَوْ قَتَفْتُ هُتَاكَ رَبَّ وَ هَلْ لِي أَمْرٌ أَيْدِيكَ لَعَنَ
فِي رَأْحِ بَلْبِ أَوْ هُتَاكَ رَبَّ عَنَصَ لِحْدِي نَأْدَارًا إِذْ مُثُّ، أَرِي بَكَ يَنْتَرَبَ أَمَّا هَلْ لِي كَمَحْرٍ
بَدَائِلِ

Уқайлнинг мавлоси Абу Муррадан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайрани Марвон ўз ўрнига қўйиб кетарди. Унинг уйи Зулхулайфада эди. Онаси бир уйда, у бир уйда яшар эди. У уйдан чиқмоқчи бўлса, онасининг эшиги олдига бориб: «Ассалому алайки ва раҳматуллоҳи ва барокаатуҳу, онажон!» дер эди. Онаси ҳам: «Ва алайка ва раҳматуллоҳи ва барокаатуҳу, ўфилгинам!» дер эди. «Кичиклигимда тарбиялаганингиз учун сизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» дер эди. Онаси ҳам «Кексайганимда яхшилик қилганинг учун сенга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» дер эди. Уйга кирмоқчи бўлса ҳам шундай қилар эди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

Мадинанинг ҳокими бўлган Марвон ибн Ҳакам исмли одам бирор ёққа кетса, ўзининг ўрнига Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни ҳоким қилиб қўйиб кетар эди.

Ўша улуғ саҳобий, катта обрў эгаси бўлган, амирлар унинг олдида таъзим қиладиган зот онасининг олдида ўзини қандай тутишини кўриб қўйинг!

Ҳар уйдан чиқишида онасининг остонасига бош уриб, салом бериб, ташаккур айтиб, ижозат сўраб, кўчага чиқар эди.

Ҳар уйига киришида ҳам онасининг остонасига бош уриб, салом бериб, ташаккур айтиб, ижозат сўраб, кўчадан келганининг хабарини берар эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу гўзал одати асрлар оша кўплаб мусулмон фарзандларнинг ҳам одатига айланганлиги фахримиз боисидир. Бундай одоб намунасини фақат мусулмон фарзандлар, «мадрасаи Муҳаммадия»нинг талабалари қилишлари мумкин, холос.

9. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири - уларни энг ёқимли лафзлар ила чақириш.

10. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - уларга динлари ва дунёларида манфаат берадиган гапларни айтиш.

11. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - динда улар билмайдиган нарсаларини ўргатиш.

12. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - иккисининг барча вожиб ва мандуб амрларига итоат қилиш.

13. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - иккиси тарк қилишга амр этган нарсалардан ўзига зарар келтирмайдиганларини тарк қилиш.

14. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - ота-онанинг олдига кирганда фақат уларнинг изни билангина ўтириш.

15. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - ота-она билан ўтирганда уларнинг рухсатисиз чиқиб кетмаслик.

16. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - ота-онадан содир бўлган нарсани, ҳатто улардан беморлик ёки қарилик туфайли ҳожатини тута олмасликка ўхшаш ишлар бўлса ҳам, қабиҳ санамаслик.

17. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - ота-онанинг муҳаббатини қозонган кишиларни ҳурмат қилиш.

18. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири - уларнинг нафақасини яхшилаш, ҳадялар бериб туриш, уларни сўрашга муҳтож қилмай ёки миннат қилмай, иззат кўрсатишдир.

Ота-оналари заифлашган, қартайган вақтларида уларнинг ҳаққини адо қилиш фарзанднинг энг асосий бурчи эканини Ислом алоҳида таъкидлайди.

«Кексаларни эъзозлаш» китобидан